

ON THE THEORETICAL AND LEGAL BASIS OF THE PROPERTY ESTABLISHED AS A FOUNDATION

Yakubov Kakhramon

PhD 1st stage doctoral student

Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

email: kahramon_14@mail.ru

Annotations

The article analyzes the state of religious endowment (waqf), in particular, legal aspects of property that can be converted into waqf. As well as, the application and implementation of the norms of the Hanafi school with regard to the issue has been highlighted by the example of waqf assets in the Khanate of Khiva.

Keywords: waqf, waqf properties, Hanafi school, Khiva khanate, jurisprudential sources Key

Ислом ҳуқуқшунослигида вақф объекти бўлган мулк учун ҳам алоҳида меъёрий талаблар белгиланган. Мазкур ҳуқуқий тартиблар вақф мулки турларини белгилаш билан бирга, мулкнинг вақф сифатида таъсис этилишидан аввалги ва кейинги ҳолати ҳамда вақф қилувчи шахс (воқиф) ва мулк ўртасидаги ўзаро муносабатлар каби комплекс масалаларни ҳам тартибга солади. Биз мазкур мақола доирасида вақф қилиниши мумкин бўлган мулк турлари, уларнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари ҳамда Хива хонлигида амалда бўлган вақф мулклари турларига алоҳида эътибор қаратамиз. Ўрта Осиёда ҳукмрон мавқеда бўлган Ҳанафия мазҳаби бўйича одатда фақат кўчмас мулкларни вақф сифатида таъсис этиш мумкинлиги фикҳий манбаларда ўз аксини топган [3: 300]. Шунингдек, уламолар томонидан кўчар мулклар вақфининг жоизлиги борасида ҳам турли фикрлар билдирилган бўлиб, уларни қуйидаги ҳолларда вақфга айлантиришга рухсат берилган:

1) Кўчар мулклар кўчмас мулклар таркибида бўлган ҳолатда. Масалан, ер майдони ва унга бириктирилган қуллар, ҳайвонлар ва агротехник воситалар ўзаро биргаликда вақф объекти бўлиши мумкин [5: 60-61];

2) мусулмонлар томонидан ғайридинларга эълон қилинган муқаддас уруш – жиҳод учун зарурий ҳарбий қурол-аслаҳа ва от-уловлар [4: 126]. Мулкнинг бу турини вақф қилиш анъанаси Исломнинг дин сифатида шаклланаётган илк даврида юзага келган;

3) диний ва жамоат муассасалари кундалик фаолиятида фойдаланиладиган ашёлар, хусусан, масжид ва мадрасаларда ўқиладиган Қуръон китоблари, дарслик ва адабиётлар ҳамда оммавий ошхоналарда фойдаланиладиган буюмлар шулар жумласидандир [6: 135].

Ўз навбатида, Хива хонлигида одатда зироат ва боғдорчилик ерлари, пуллар, савдо ва ҳунармандчилик объектлари, турар-жой ва майший иншоотлар (ҳаммом, сарой) вақф сифатида таъсис этилган. Шунингдек, юқорида қайд этилган, кўчар мулклар вақфи

билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрга мос равишда нафақат дўконларнинг ўзи, балки уларга тегишли асбоб-ускуналарни ҳам биргаликда вақф қилиш анъанаси учраб турган [2: 3(4)]. Ана шундай ҳолатни XV асрда Хўжа Аҳрор томонидан таъсис этилган вақф мулклари мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, вақфномада бошқа мулклар қатори деҳқончилик асбоблари, хўкиз ва хатто қуллар ҳам вақф қилингани қайд этилан [8:27]. Хива хонлигида ҳам ушбу амалиётдан кенг фойдаланилганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, китоблар вақфи [7:87], диний ва жамоат муассасалари кундалик фаолиятида фойдаланиладиган буюм ва ашёларни вақф этиш ҳам амалда бўлганини тарихий ҳужжатлар тасдиқлайди. Масалан, 1869 йилда тузилган вақфномада Яъқуббой ибн Авазмуҳаммад вакили Вайсниёзбой ибн Муҳаммадраҳим орқали Кўҳна Карвонсарой масжиди таҳоратхонаси сувини иситиш мақсадида қозон вақф этгани қайд қилинган [1]. Кўчар мулк хусусиятига эга бўлган мулкларнинг якка ўзини вақф қилишга аксарият уламолар, хусусан Ҳанафия мактаби илк намояндалари қарши чиққанлар. Чунки бу турдаги мулк аввало истеъмол қилиш ёки сарфлашни талаб этган ҳамда узок вақт фойдаланиш натижасида яроқсиз ҳолга келиш эҳтимолини юзага келтирган. Ваҳоланки, ҳалокатга учраш ва йўқ бўлиш хавфи мавжуд мулкларни таъсис этиш вақф моҳиятига зид ҳисобланади. Шу боис, кумуш ва олтин тангалар вақфи аввалдан аксар уламолар томонидан маъқулланмаган. Бироқ классик Ислом ҳуқуқи уламоларидан фарқли равишда кейинги давр баъзи фақиҳлари томонидан пулларни вақф қилиш мумкинлиги ҳақида фатволар қабул қилинди. Натижада, айрим мусулмон мамлакатлари қатори Ўрта Осиёда ҳам пул вақфи XIX асрдан бошлаб айниқса оммалашиб борди.

Моликия мазҳабидан ташқари суннийликдаги қолган барча мазҳабларга кўра мулк вақфга айланиш жараёнида моддий кўриниш 'аун ва аниқ ҳолатда ҳамда мавжудлик хусусиятига эга бўлиши лозим [3: 300]. Шунингдек, мулкнинг вақф қилаётган шахс тўлиқ назорати остида бўлиши кераклиги ҳам муҳим шартлардан саналади. Масалан, денгиздаги балиқ, қочиб кетган қул ва қарз объекти бўлган муайян мол-мулкни вақф мулки сифатида таъсис этиш мумкин эмас. Бундан ташқари, шахснинг бошқалар ёки ўзининг гаровдаги мулкни ҳам вақф қилиб бўлмайди. Шариат томонидан белгиланган мазкур талаблар вақф таъсис этиш ҳақидаги ҳужжатда ҳам акс этган. Хусусан, Хива вақфномаларида вақф қилинаётган мулк тури, унинг миқдори (ўлчови), кўчмас мулк жойлашган ҳудуд аниқ қайд қилинган. Шунингдек, вақфномада мулкнинг ҳолатини англаувчи махсус иборалар қўлланилган. Улар мазмун жиҳатидан умумий маънода мулкнинг вақф қилувчи шахс тўлиқ эгалигида эканлиги ҳамда вақф қонунийлигини инкор қилувчи барча шартлардан холи эканлигини билдирган.

Умуман олганда, фикхий манбаларда одатда вақфга оид алоҳида боб ажратилган бўлиб, унда вақф қилувчи шахснинг ҳолати ва ҳуқуқлари, вақф мулкни бошқариш, ундан фойдаланиш, даромадлар тақсимооти каби масалалар билан бир қаторда вақф қилинадиган мулкка қўйилган меъёрий-ҳуқуқий талаблар ҳам алоҳида белгиланган. Ҳанафия мазҳабига кўра, нафақат кўчмас, балки кўчар мулкларни вақф сифатида таъсис

этишга муайян шартлар асосида рухсат этилган бўлиб, ушбу икки турдаги мулклар Хива хонлигининг вақфга оид мулкый муносабатлар тизимида ҳам амалда бўлган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Ўзбекистон Миллий архиви, И-323-фонд, 1-рўйхат, 912-йиғмажилд.
2. ЎзР ФА Шарқшунослик институти, папка № 3 (4).
3. Layish A. Waqfs of Awlād al-Nās in Aleppo in the Late Mamlūk Period as Reflected in a Family Archive // Journal of the Economic and Social History of the Orient, Vol. 51, No. 2 (2008). – P. 287-326.
4. Majid A. Waḳf as Family Settlement among the Mohammedans // Journal of the Society of Comparative Legislation, New Series, Vol. 9, No. 1 (1908). – P. 126.
5. The Encyclopaedia of Islam. Waḳf. Volume 11, – Leiden: Brill, 2002. – P. 60–61.
6. Zubair A.M. The Classical Islamic Law of Waqf: A Concise Introduction // Arab Law Quarterly. Vol. 26 (2012). – P. 121-153.
7. Аминов Х. Хоразмда китоб тарихи манбалари (XVIII аср иккинчи ярми – XX аср бошлари: ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди асосида). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Тошкент, 2009.
8. Чехович Д. Собрание восточных актов в Узбекистане // Бюллетень Академии Наук УзССР. – Ташкент, 1947. – № 4. – С. 26-28.